

ИҚТИСОДИЙ СОҲА ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

Турдиева Роҳила Исмоил қизи

Тошкент давлат иқтисодийёт университети магистранти

E-mail: r_ismoilovna@mail.ru

Аннотация: Мақолада компетенция тушунчаси шунингдек иқтисодий соҳа талабаларининг таянч компетенцияларини шакллантириш, таянч компетенциялари даражаси ва уларни белгилаш мезонлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: компетентлик, когнитив, мотивация, таянч компетенция, коммуникатив компетенция.

БАЗОВЫЕ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ

Турдиева Роҳила Исмоил кизи

Магистр Ташкентского государственного экономического университета

E-mail: r_ismoilovna@mail.ru

Аннотация: В статье рассматривается понятие компетентности, а также формирование базовых компетенций студентов-экономистов, уровень базовых компетенций и критерии их определения.

Ключевые слова: компетентность, когнитив, мотивация, базовая компетентность, коммуникативная компетентность.

BASIC COMPETENCIES OF ECONOMIC STUDENTS

Turdieva Rohila Ismoil kizi

Master's degree from Tashkent state university of economics

E-mail: r_ismoilovna@mail.ru

Annotation: The article discusses the concept of competence, as well as the formation of basic competencies of economics students, the level of basic competencies and the criteria for their determination.

Key words: competence, cognitive, motivation, basic competence, communicative competence.

Хар қандай давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тарақиёти унинг иқтисодий ўсишни таъминлайдиган асосий ресурслари ҳисобланган интеллектуал капитали ва унинг илмий-тадқиқот салоҳияти билан белгиланади.

Бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги иқтисодий ривожланиши, иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши, жаҳондаги етакчи иқтисодий ҳамкор ташкилотлар билан республика манфаатинига хизмат қиладиган кенг кўламли иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга қодир бўлган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Республика иқтисодий потенциалини ошириш, халқаро инвестрларларни жалб қилиш, мамлакатимизда очиқ ва хавфиз бизнес юритиш муҳитида улар билан профессионал тарзда рақобат қила оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш уларда профессионал компетенцияларни шакллантириш иқтисодиёт соҳасидаги ОТМлар олдида муҳим вазифаларни қўймоқда [2-3].

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар жамиятни барқарор ривожланишни таъминлашга мос таълим тизимини барпо этишни талаб этди. Бу эса «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида мамлакатимизнинг салоҳиятли, қобилиятли, илмга, янгиликларга интилувчи ёшлари ва фуқароларининг яратувчилик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда мамлакат тараққиётини таъминлашдан иборатдир [1]. Бунинг учун таълим сифатини таъминлашнинг асосий йўналишлари – ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш ва уларни самарали татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Таълим сифатини яқуний, энг асосий ва муҳим кўрсаткичи таълим олувчининг айна мутахассислик бўйича нафақат республикамизда балки халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис бўлиб етишиши ҳисобланади. Чунки таълим жараёни марказида айнан таълим олувчилар туради.

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион ёндашув, рақамли иқтисодиётни кенг жорий этилиши, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг кенгайиши мамлакатимизда рақобатбардош иқтисодчи кадрларга бўлган талабни кескин ўсишига олиб келди. Бугунги кунда республикамизда давлат олий таълим муассасалари сонини ошиши ҳамда кўплаб нодавлат таълим муассасаларини ташкил этилиши натижасида таълим олувчиларнинг таълим хизматлари мазмуни ва сифатини танлашда эгаллаган маълумоти, касбий тайёргарлик даражаси меҳнат бозорида ва меҳнат фаолияти жараёнида қанчалик кераклилигига ҳамда муҳимлигига эътибор қаратилмоқда

Республикадаги мавжуд давлат ва нодавлат ОТМ ўртасида юқори сифатли кадрлар тайёрлаш борасида бирдек рақобатни юзага келиши келгусида меҳнат бозорида инновацион ва стратегик ёндашувга эга, мураккаб шароитда ҳам

оқилона қарор қабул қила олувчи, иқтисодий муаммоларни ўз вақтида мустақил ҳал эта оладиган, иқтисодий компетентлиги юқори, ташаббускор ходимлар сонини ортишига замин яратади.

Турли таълим даражаларида ўқувчиларнинг иқтисодий компетенцияларини шакллантириш самарадорлиги турли хил таълим босқичларида иқтисодий компетенцияларни шакллантириш моделини яратишда ҳисобга олинган бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ [5].

Шу ўринда компетенция (компетентлик) сўзининг лўғовий маъносини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Компетентлик - «ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик»ни англатади. Компетентлик деганда, кўпинча шахснинг фаолият юритишга умумий қобилияти ва унинг касбий тайёргарлигида намоён бўлувчи билим ва тажрибаларига асосланган интеграциялашган сифатлари назарда тутилади.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, **ижтимоий**, иқтисодий ва **касбий муносабатларга киришиши**, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Республикамизда **таълимнинг узлуксизлиги**, баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар талимида ўқитиладиган умумтаълим фанлари мазмунининг изчиллигини таъминлаш мақсадида таянч компетенциялар ҳамда ҳар бир ўқув фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда хусусий компетенциялар белгиланган[6].

Бугунги кунда ривожланган давлатларда иқтисодий йўналиш талабаларини профессионал компетенцияларини шакллантиришни илмий, услубий ва педагогик таъминлаш бўйича тажриба-синов ишларининг мазмунини ишлаб чиқиш, ушбу жараённинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва шартларни аниқлаш, талабаларнинг иқтисодий компетенциялари мезонлари ва кўрсаткичларини тавсифлаш, диагностика материалларини синовдан ўтказиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар иқтисодий йўналишдаги узлуксиз таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилиб, уларда иқтисодий компетенцияларни ривожлантиришни бир нечта босқичда амалга оширилган[5].

Дастлабки босқичда илмий-услубий ва педагогик таъминлашнинг мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиқиш, раҳбар ва ўқитувчилар учун назарий ва амалий ўқув-услубий семинарлар ўтказиш белгиланган. Бу босқичда асосий эътибор талабаларда асосий иқтисодий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган.

Иккинчи босқичда талабаларнинг иқтисодий компетенцияларини шакллантириш бўйича комплекс мақсадли дастур амалга оширилиб, уни амалга ошириш учун илмий, услубий ва педагогик ёрдам кўрсатилади. Талабаларнинг иқтисодий тайёргарлик самарадорлиги мониторинг қилинади. Бу босқичда асосий саъй-ҳаракатлар талабаларнинг асосий иқтисодий компетенцияларини такомиллаштириш ва касбий иқтисодий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилди.

Учинчи босқичда амалга оширилаётган назарий модель, концепция ва мақсадли комплекс дастур самарадорлигини баҳолаш, назорат ва экспериментал гуруҳлардаги талабаларнинг иқтисодий компетенцияларини ривожлантириш самарадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, талабаларнинг иқтисодий компетенцияларини шакллантиришни илмий, услубий ва педагогик таъминлашнинг мазмуни, шакллари, усуллари ва воситаларини мослаштириш, синовдан ўтган модель ва концепция элементларини бошқа таълим муассасаларининг ўқув жараёнига жорий этиш, экспериментал иш натижаларини бошқа таълим муассасаларида трансляция қилиш имконияти башорат қилинган.

Талабаларнинг иқтисодий компетенциялари даражасини ўрганиш борасида ўтказилган тажрибаларда уни учта, когнитив-информацион, мотивацион-шахсий ва фаол-ижодий мезон бўйича белгиланади [5].

1. Когнитив-информацион:

- иқтисодий атама ва тушунчаларни билиш, уларнинг мазмунини тушунтира олиш;
- замонамизнинг иқтисодий муаммоларига қизиқиш билдириш;
- харажатларни режалаштириш қобилияти;
- билимларни иқтисодий муаммоларни тавсифлаш учун қўллаш;
- тўғри таҳлил қилиш ва иқтисодий сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш қобилияти, муаммолар;
- бозор механизмлари фаолиятининг қонуниятларини аниқлаш қобилияти;
- иқтисодий билимларни стереотипик ва ностандарт муаммоларни ҳал қилишда қўллаш;

2. Мотивацион ва шахсий:

- таълим муассасасида ва уйда жамғарма режимига риоя қилиш (тежамкорлик);

- иқтисодий вазиятларда ўз хатти-ҳаракатларини режалаштириш ва тартибга солиш (мустақиллик);
- иш ҳажмини ва уни амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш (рационаллик);
- топширилган ишни бажариш сифати (самарали меҳнат);
- ишни бажариш ва муаммоли иқтисодий вазиятларни (корхона) ҳал қилиш самарадорлиги;
- жамиятнинг барқарор ривожланишининг зарурий шарти сифатида иқтисодий фаолият зарурати ва ишлаб чиқариш;
- иқтисодий компетенцияни ривожлантириш зарурлигини тушуниш;

3. Фаол-ижодий:

- иқтисодий вазиятларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини топиш қобилияти;
- билимларни амалий фаолиятга ўтказиш қобилияти;
- иқтисодий фаолиятда ташқи раҳбарликка эҳтиёж;
- иқтисодий фаолиятда натижаларга эришиш учун устувор йўналишларни белгилаш қобилияти;
- мақсадларни белгилашда, мақсадларга эришиш йўллари тинлашда мустақилликни намоён этиш;
- иқтисодий фаолиятни моделлаштириш қобилияти;
- инновацион ва қисқа муддатли лойиҳаларга устунлик бериш. Мазкур меъзонлар бўлажак кадрлар салоҳияти ва уларнинг профессионал компетентлигини белгилайди.

Касбий компетенцияни ривожлантиришнинг энг муҳим мезонларидан бири ҳозирги вақтда чет тили, ахборот технологияларини билиш фаолиятини ривожлантириш, яъни бўлажак мутахассиснинг ахборот технологияларни ўзлаштирган ҳолда чет тилида касбий фаолиятини олиб бориш қобилиятидир. Уларда бундай қобилиятни ошириш келгусида таълим жараёнини халқаро талабларга интеграциялашувига замин яратади.

Талабаланинг чет тилларни билиши "коммуникатив компетенция" тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Глобал иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда бакалаврият, магистратура ва докторантура тизимларида талабаларнинг чет тилини ўрганишга муносабатини ўзгартириш борасида республикамизда олий таълим тизимида ва олий таълимнинг кейинги босқичларида бўлажак магистр ва докторанларни чет тили бўйича белгиланган даражага эга бўлишлари белгилаб қўйилди. Бу эса талабаларнинг халқаро илмий манбалардан ахборотлани олиши, чет тилида ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар асосида нутқий фаолият олиб бориш қобилиятини оширади. Бундан

ташқари, чет тилини ўрганиш, халқаро меҳнат бозорига мослашиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодчи малакасини олувчи талаба учун чет тили келгусида бир қатор касбий вазифаларни бажаришда қўшимча имконият яратади. Яъни унинг келгуси фаолияти, турли соҳалардаги ўзгаришлар, инглиз тилидан амалда фойдалана оладиган мутахассис учун янги ижтимоий-иқтисодий имкониятларни юзага келтиради.

Айнан интеграциялашув даврида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда халқаро меҳнат бозорининг глобаллашуви, замонавий меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош иқтисодчи кадрлар тайёрлашда ички ва ташқи иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари миллий ва жаҳон иқтисодининг ривожланиш тенденциялари асосида таълимда инновацияларни жорий этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. – Т., 2020 йил 23 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [www Lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Мирзиёев Ш.М. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/>
3. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони. <https://lex.uz/>
4. Мусаханова Г.М. Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш./ иқтисодиёт ва таълим. 2022. 2-сон. 307-311 б.
5. Сергеева М. Г. Критерии сформированности экономических компетенций./ Электронный научный журнал - Известия регионального финансово-экономического института. 2013. №1.
6. <https://psihdocs.ru/kompetenciya-nima-degani.html>